



2020 у « 19 » октябрь

№ К-1577

« » 20 г

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида 2020 йил 21 сентябрдаги 575-сон ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги Қ-565-сонли қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида

Бюджет барқарорлигини таъминлаш ва унинг тақчиллиги кескин ошиб кетишининг ҳамда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича муҳим тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида 2020 йил 21 сентябрдаги 575-сон ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги Қ-565-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Норқулов, туман молия бўлими мудири А.Кувондиқов:

бюджет ташкилотлари (тиббиёт, тиббий-ижтимоий муассасалар, меҳрибонлик уйларида ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1-3-разрядлари қўлланиладиган ходимлардан ташқари) ишлайдиган ходимларга режалаштирилган моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси, шу жумладан, ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига шакллантириладиган олий таълим муассасаларининг моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда директор жамғармаси маблағлари ҳисобига тўловлар ҳисобланишини тўхтатиб туришни 2020 йил 1 октябрдан 2021 йил 1 январга қадар узайтириш;

туман маҳаллий бюджетларида назарда тутилган харажатларни 1-иловага мувофиқ мақбуллаштирилсин;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” 2020

йил 16 апрелдаги 232-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тасдиқланган

даромадлар прогнозининг бажарилмаслиги ҳисобига харажатларнинг мақбуллаштирилган қисми – республика бюджетига;

ушбу қарорга мувофиқ мақбуллаштирилган маблағлар – келгусида уларни коронавирус инфекциясига қарши курашиш чора-тадбирларига йўналтириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасига ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

4.Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ж.Норкулов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Б.Худойбергенов